



ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛКНИНГ ЗАРУРАТИ ВА УНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Хасанов Жасур Жўраевич

Профессионал -медиатор, патент вакили
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8304193>

ARTICLE INFO

Received: 24th August 2023

Accepted: 30th August 2023

Online: 31th August 2023

KEY WORDS

Мулк, интеллектуал мулк, янги маҳсулот, саноат, ишлаб чиқариш, илмий тадқиқот, прототиплар, кичик ҳажмдаги маҳсулот, саноат намунаси, ҳаражат, инновация, товар, хизмат, фирма номи, тижорат сир, рақобат.

ABSTRACT

Ушбу мақолада муаллиф интеллектуал мулк тушунчаси, интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш масаласини хорижий тажриба ва миллий ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, шунингдек интеллектуал мулк ҳуқуқи тушунчаси уни вужудга келиш асослари, турлари, уларни муҳофаза қилиш, бу борадаги илмий-назарий қарашлар, мамлакатимизда амалга оширилаётган бу борадаги ислоҳотлар, уларнинг мазмун моҳияти, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоялашни такомиллаштиришга оид муаллиф қарашлари илгари сурилган.

Дунёда инсон капиталидан самарали фойдаланиш, яратилган интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш жараёнига кенг жорий этиш ва интеллектуал мулк соҳасини иқтисодийнинг энг ривожланган тармоқларидан бирига айлантириш иқтисодий тараққиётнинг муҳим кўрсаткичлари ҳисобланади. Маҳсулотни қадоқлашда муваффақиятли ишлатилган битта товар белгиси йирик компания, ҳатто бутун давлатнинг имижини намойиш этишга қодир. Бунга Rolex, Nike, Adidas, Apple, Toyota, Mercedes Benz каби машҳур брендлар яққол мисол бўла олади. Кўп ҳолатларда Сингапур, Жанубий Корея ёки Япония каби илғор мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши ҳақида гап кетганда, тасаввуримизда дарҳол инновацион иқтисодий пайдо бўлади. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки бу давлатларда инновация интеллектуал мулк объектларини яратишни рағбатлантирадиган ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлайдиган фундаментал асос ҳисобланади. Айниқса, дунё миқёсида кузатилаётган табиий ресурсларнинг танқислиги шароитида интеллектуал мулк стратегиясини қўллаш масаласи иқтисодий танг аҳволда бўлган мамлакатлар учун ягона ва асосий ечимдир.

Жаҳонда интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг такомиллаштирилган тизими ҳам корхонага, ҳам мамлакатга фойда келтиради. Бу илмий тадқиқотлардаги ютуқлар ва R&D (янги маҳсулот ёки тизимни саноатда ишлаб чиқаришдан олдин, яъни илмий тадқиқотлар доирасига кириб кетувчи прототиплар ва кичик ҳажмдаги маҳсулот



намуналарини ишлаб чиқаришни ўз ичига олган ишлар мажмуи) харажатлари ошиши туфайли юз беради. R&D харажатлари компания инновацион фаолиятининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.¹

Ҳозирда мамлакатимизда илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, инновацион фаолиятни амалга оширишда интеллектуал мулк объектлари эгаларининг мутлақ ҳуқуқларини муҳофаза қилиш усулларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2020 йил 12 октябрь куни интеллектуал мулк муҳофазаси бўйича ўтказилган йиғилишда, давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев “Интеллектуал мулк масаласини давлат сиёсати даражасига кўтармас эканмиз, Ўзбекистон бундан ўн йилдан кейин ҳам рақобатдош бўлмади...”, “Интеллектуал мулк ҳимоясини мустаҳкамлай олсак, бу ҳам учинчи Ренессансга ишончли пойдевор бўлади”, – дея таъкидлаган эди.²

Хусусан, 2020 йил ҳолатига республикада интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасида 8 та давлатлараро, 10 та ҳукуматлараро ва 17 та идоралараро шартнома ва битимлар имзоланган.³ Шунингдек, мамлакатда интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ва уни тизимли ташкил этиш борасида ҳуқуқий асослар ҳам ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, 2021 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4965-сон қарори алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим деб ҳисоблаймиз. Ушбу қарорда интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро шартномалар нормаларидан келиб чиқиб, товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисининг фақат тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс номига рўйхатдан ўтказилишига нисбатан қонунчиликдаги мавжуд чекловлар бекор қилиш, интеллектуал мулк объектларини давлат рўйхатига олиш муддатларини кескин қисқартириш, интеллектуал мулк муҳофазасини мустаҳкамлаш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда ҳудудларда юридик шахс мақомига эга бўлмаган Интеллектуал мулк ҳимояси марказлари ташкил этиш масалаларини ўз ичига олган.

Мамлакатимизда бу борадаги ислохотларни янада жадаллаштириш Интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилиш, интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини янада такомиллаштириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш ҳамда контрафакт маҳсулотларга самарали қарши курашиш, шунингдек, Янги Ўзбекистоннинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 апрелда ПҚ-221-сонли “Интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва ушбу

¹ Ebert, C., Dumke, R., 2007. Software Measurement: Establish, Extract, Evaluate, Execute. Springer– Verlag. Berlin: Heidelberg.

² gazeta.uz расмий сайти “Президент интеллектуал мулк муҳофазаси бўйича йиғилиш ўтказди” номли мақола, <https://www.gazeta.uz/uz/2020/10/12/intellectual-property/>

³ Jensen, P.H., Webster, E. (2009). Another look at the relationship between innovation proxies. Australian Economic Papers. 48(3). – pp.252–269.



қарор асосида 2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш стратегияси қабул қилинди.⁴

Бироқ, бу йўналишда миллий қонунчилик ҳали яхлит тизим сифатида шаклланмаганлиги боис соҳани ҳуқуқий тартибга солишда кўплаб муаммолар учрамоқда. Бу эса иқтисодийнинг юқори технологияли тармоқларининг ривожланишига, фан-техника ютуқларини тижоратлаштиришга салбий таъсирини ўтказмоқда.

Буни қуйидаги статистик маълумотлар орқали ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, 2018 йилда 5749 та интеллектуал мулк объектти рўйхатдан ўтказилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2019 йил 6331 тани, 2020 йилда 4306 тани ва 2021 йилда 9894 тани ташкил этган.⁵ Статистик маълумотларда сон жиҳатдан ўсиш кузатилган бўлсада, республикамизнинг иқтисодий ва ижтимоий имкониятлари, аҳолининг демографик ўсиш суратлари ҳамда дунё миқёсида мазкур соҳа ривожланиш локомативига айланаётганлигидан келиб чиқсак ушбу рақамлар жуда ҳам кам эканлигини англашимиз мумкин. Бунга бир неча омиллар сабаб бўлаётганлигини келтириб ўтиш мумкин, Жумладан интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш, инновацион фаолиятни ривожлантириш ва объектларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, унга бевосита олимлар ва мутахассисларни жалб этиш, интеллектуал мулк объектлари яратиш ва тижоратлаштириш соҳасига венчур фондларини кенг жалб қилиш зарурати, олий таълим муассасалари ва тармоқ тадқиқот институтларида яратиладиган илмий ишланмаларни патентлаш ва тижоратлаштириш ишларининг самарадорлигини ошириш механизмларининг аниқлаштирилмаганлиги ҳамда инсон омилининг бу борадаги аралашуви чекланмаганлиги, интеллектуал мулкка нисбатан ҳуқуқий маданиятни ошириш ва ҳурмат ҳиссини шакллантиришга доир тарғибот ишларининг сустлиги ва бу борадаги низоларни ҳал қилишнинг муқобил усулларини қўллашга доир чора-тадбир ва ҳуқуқий асосларнинг аниқлаштирилмаганлиги боғлиқ масалалар мазкур мавзунини илмий ўрганишнинг долзарблигини кўрсатади

Дунёнинг ҳар қандай мамлакати каби Ўзбекистон учун ҳам бугунги кунда интеллектуал мулк ҳуқуқи муҳофазасини таъминловчи ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш энг долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бинобарин, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам миллий қонунчилигимизда ҳам интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар ўта муҳим фуқаролик ҳуқуқларидан бири сифатида тан олинади. Ҳар бир инсон ўзи муаллифи ҳисобланган илмий, адабий ва бадиий фаолият натижаларига нисбатан маънавий ва моддий манфаатлари муҳофаза қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Интеллектуал мулк тушунчаси дастлаб 1967 йил 14 июлда “Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотини ташкил этиш тўғрисида”ги Стокгольм конвенциясида илгари сурилган ва унинг ҳуқуқий мақоми, шу жумладан, интеллектуал мулк объектлари ҳам

⁴ <https://lex.uz/docs/5987120>.

⁵ Т. Абдусатторов. Интеллектуал мулк соҳасини ҳимоя қилиш муаммо ва ечимлар / Huqu va burch/ №7. 2022. й. –Б. 5-7.



аниқ белгилаб олинган. Мазкур ташкилот 1974 йилдан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус мақомига эга бўлиб, ҳозирги кунда БМТнинг ихтисослашган ташкилотлари қаторида фаолият олиб бормоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳам бу ташкилот билан кенг қамровли ишларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, 2020 йил ҳолатига республикада интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасида 8 та давлатлараро, 10 та ҳукуматлараро ва 17 та идоралараро шартнома ва битимлар имзоланган.⁶ Шунингдек, мамлакатда интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ва уни тизимли ташкил этиш борасида ҳуқуқий асослар ҳам ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, 2021 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4965-сон қарори алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим деб ҳисоблаймиз. Ушбу қарорда интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро шартномалар нормаларидан келиб чиқиб, товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисининг фақат тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс номига рўйхатдан ўтказилишига нисбатан қонунчиликдаги мавжуд чекловлар бекор қилиш, интеллектуал мулк объектларини давлат рўйхатига олиш муддатларини кескин қисқартириш, интеллектуал мулк муҳофазасини мустаҳкамлаш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда ҳудудларда юридик шахс мақомига эга бўлмаган Интеллектуал мулк ҳимояси марказлари ташкил этиш масалаларини ўз ичига олган.

Интеллектуал мулк фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида мустақил институти бўлиб, ижодий фаолият натижалари ва уларга тенглаштирилган объектлар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи нормалар йиғиндисидан иборат. Интеллектуал мулк ибораси лотинча “интеллект” сўзидан олинган бўлиб, ақл-идрок маъносини англатади. Фуқаролик қонунчилигида интеллектуал мулк тушунчасига таъриф берилмаган. Бироқ интеллектуал мулк тушунчасига айний тушунча ҳисобланган ижодий фаолият натижаси тушунчасига таъриф берилган бўлиб, унга кўра, интеллектуал фаолият натижасида яратилган, объектив шаклда ифодаланган, янги, оригинал (уникал) хусусиятларга эга бўлган, муаллифи (эгаси, фойдаланувчиси) ҳуқуқлари қонун томонидан эътироф этилган ва тегишли тартибда ҳуқуқий муҳофаза этиладиган ғоя, билим, асар ёки бошқача кўринишдаги маҳсулотни ижодий фаолият натижаси сифатида таърифлаш мумкин⁷.

Интеллектуал мулк объектлари доираси биринчи маротаба Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) ни таъсис этувчи 1967 йил 14 июлдаги Конвенциянинг 2-моддаси 8-бандида берилган. Унда кўрсатилишича, интеллектуал мулк қуйидагиларга нисбатан юзага келадиган ҳуқуқларни ўзида ифодалайди:

- адабий, бадий ва илмий асарларга нисбатан;
- артистлар, овоз ёзиш, радиоэшиттиришлар ва телевизион кўрсатувларнинг ижрочилик фаолиятига нисбатан;

⁶ Jensen, P.H., Webster, E. (2009). Another look at the relationship between innovation proxies. Australian Economic Papers. 48(3). – pp.252–269.

⁷ Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. -Тошкент: ТДЮИ, 2004. -25 б.



- инсон фаолиятининг барча соҳадаги ихтироларига нисбатан;
- саноат намунасига нисбатан;
- товар ва хизмат кўрсатиш белгилари, фирма номи ва тижорат сирларига нисбатан;
- ноқонуний рақобатдан ҳимояланишга нисбатан;
- шунингдек, ишлаб чиқариш, илмий, адабий ва бадий соҳадаги интеллектуал мулк нисбатан.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 1031-моддасида интеллектуал мулк объектлари уч гуруҳга бўлинади:

1) интеллектуал фаолият натижалари:

фан, адабиёт ва санъат асарлари;

эшиттириш ташкилотларининг ижролари, фонограммалари ва эшиттиришлари; электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базалари;

ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари;

селекция ютуқлари;

ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау);

2) фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар:

фирма номлари;

товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);

товарлар чиқарилган жой номи;

3) ФКда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар.

Инсоният цивилизациянинг ҳамма босқичларида ижодкорлик ва инсон ҳаёти учун янгилик ва қулайлик туғдирадиган воситаларни яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Қадим замонлардаёқ, қабилалар ва давлатлар ўзларининг топқирликлари, мавжуд муаммоларни ечишда янгича усул ва воситаларни кашф этишлари, қулай ва фойдали иш қуролларининг янгиларини яратишлари билан ўзларига рақобатда бўлган бошқа давлатлардан илгарлаб кетишга ва бу ҳолат ижодкор шахслар меҳнати ҳар доим давлатнинг алоҳида эътиборда бўлишини таъминлаган.

XX асрга келиб эса, саноат ва техника соҳасида оламшул кашфиётлар, қўл меҳнати ўрнига ишлаб чиқаришда машиналар ва техник ускуна ва воситаларнинг кенг жорий этилиши ҳар бир давлат учун иқтисодий юксалишнинг энг асосий омилига айланди. Эндиликда давлатлар ўртасида ҳудудлар учун кураш эмас янги замонавий технологияларни яратиш, шу орқали иқтисодий самарадорликка эришиш, саноат технологиялари бўйича доимо ривожланишда бўлиш ва рақобатбардошликка эришиш учун кураш бўлиши табиий ҳол сифатида тан олинган. Таъкидлаш лозимки, фан техникани жадал ривожланиши, ишлаб чиқаришда энг замонавий ва самарали технологияларни жорий этиш ва жаҳон иқтисодиётда рақобатчилардан ўзиб кетиш ҳозирги замон давлати учун бирламчи ва энг зарурий вазифа бўлиб турганлиги сир эмас. Зеро, XXI асрда жисмонан кучли инсонлар эмас интеллектуал салоҳияти юқори



бўлган ва доимий равишда самарали ва ўзига хос янгилик сифатида иқтисодий ривожланишга замин ярата оладиган ижодкор шахсларгина кўпроқ қадрланадилар.

Интеллектуал фаолият ва унинг натижаларини ҳар бир мамлакат иқтисодий ривожланиши учун аҳамияти бениҳоя юқори эканлигини эътироф этган ҳолда, фаолиятнинг ушбу турини ва фуқаролик ҳуқуқининг мазкур объектини ҳуқуқий нуқтаи-назардан муҳофаза қилиш, уларга нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, мамлакат географик жойлашуви нуқтаи-назаридан мазкур муносабатлар тизимида ўзига хос монополь ҳуқуққа эга бўлиш (айниқса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида) ни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш давлатнинг келажакдаги тараққиёти учун энг муҳим вазифалардан бири саналади.

Эътироф этиш кераки, интеллектуал мулк ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида институти сифатида тан олиниши ва шу ном остида ақлий-ижодий фаолиятнинг барча натижалари битта ҳуқуқий институтга бирлаштирилиши цивилистиканинг бошқа институтларига қараганда нисбатан кечроқ юз берди. Бироқ шунга қарамасдан, “Интеллектуал мулк” ҳуқуқий институт сифатида кундан кунга ривожланиб ва кенгайиб бормоқдаки, бу ҳолат ижодкорларнинг илмий тадқиқотларга нисбатан бўлган интилишларини ошириб бормоқда ва натижада интеллектуал мулкнинг янгидан янги объектлари юзага келмоқда. Бунда давлатлар ва улар иқтисодиёти интеллектуал мулкнинг янги объектлари вужудга келишидан манфаатдорлиги ва бу борада илмий тадқиқотларнинг қўллаб-қувватлаётганлиги мазкур соҳадаги янгидан янги ютуқларга эришишга туртки бўлмоқда. Бироқ айрим ўринларда илмий тадқиқотлар инсониятнинг мавжудлиги ва дахлсизлигига салбий таъсир ўтказиши мумкин бўлган йўналишларни ҳам юзага келтирдик, бу ҳолат ҳуқуқий тартибга солишнинг қатъий ва аниқ чегараларини белгилаш лозимлигини англатмоқда.

Профессор Н.Имомовнинг таъкидлашича интеллектуал фаолият ижтимоий фаолиятнинг бошқа турларидан фарқ қилиб, киши онги ва ақлининг ўзига хос янги инъикоси сифатида гавдаланади. Яъни, бунда инсон ўзининг ақлини муайян соҳада олган билимлари асосида йўналтириб, муайян бетакрор натижага эришиши (масалан, илм-фан соҳасида ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган янгилик яратиши) ёки ўзига хос иқтидори эвазига янги санъат асарини яратиши мумкин. Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, шартли равишда интеллектуал фаолиятнинг ўзига хос икки йўналишини ажратиш кўрсатиш мумкин:

Биринчиси, инсоннинг фақатгина ўзига хос иқтидори ва қобилияти асосида амалга ошириладиган, махсус билим ва малакага эга бўлиш бирламчи шарт ҳисобланмайдиган ижодий фаолият. Одатда, фаолиятнинг бу турига шеър, роман ва бошқа санъат асарларини яратиш мисол бўлиши мумкин. Шу билан бирга, техника соҳасида амалга ошириладиган ихтиролар, фойдали моделлар ҳам алоҳида чуқур билимга эга бўлмаган шахслар томонидан чиқарилиши интеллектуал фаолиятнинг ушбу турига мансуб ҳисобланади.

Иккинчиси алоҳида ва махсус билимга эга бўлиш талаб этиладиган, инсоннинг ақлий жиҳатдан доимий такомиллашиб бориши ва узоқ муддатли меҳнат орқали амалга ошириладиган интеллектуал фаолият. Ижодий фаолиятнинг бу турига илмий



асарларни яратиш, диссертациялар ва мақолалар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар, таржималар киради.⁸

Таъкидлаш лозимки, ФКнинг 1037-моддаси интеллектуал мулк объектларини яратишга қаратилган шартномаларни битта умумий ном асосида бирлаштиради, мазкур соҳада яратилаётган янги, ўзига хос оригинал бўлган ва ҳуқуқий мақоми, муҳофаза қилиниши, амалиётга татбиқ этилишига кўра бир-биридан фарқ қилувчи объектларни битта ҳуқуқий восита, ҳам ягона ҳуқуқий механизм асосида қўллашни назарда тутди. Бироқ бундай ҳолат ва турли хилдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг битта қолипга ва умумий конструкцияга бирлаштирилиши кўзланган натижани бермаслиги билан бирга, келажакда самарали тартибга солиш имкониятини ҳам пасайиб кетишига олиб келади. Масалан, ФКнинг 1037-моддасида интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартномасининг предмети сифатида “асар, ихтиро ёки бошқа интеллектуал фаолият натижасини яратиш” кўрсатиб ўтилган бўлиб, бир вақтнинг ўзида битта шартнома орқали интеллектуал мулкнинг ҳар қандай объектини яратиш ва улардан фойдаланиш муносабатлари тартибга солинмоқда. Шу билан бирга, яратилиши кўзда тутилаётган натижалар орасидан “асар” ва “ихтиро”нинг ажратилиб кўрсатилиши ҳам ўзининг ҳуқуқий мақоми ва тартибга солиш механизмига кўра бир-биридан тубдан фарқ қилувчи объектларни яратишнинг ягона шартнома орқали тартибга солиниши келгусида бу объектларни ҳуқуқий муҳофаза қилишда, улар яратувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда турли ноаниқликлар ва тушунмовчиликларни вужудга келтириши мумкин.

ФКнинг 1037-моддасида берилган интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартномаси таърифида бу шартноманинг предмети жуда умумий тарзда баён этилган. Хусусан, шартнома предмети “асар, ихтиро ёки бошқа интеллектуал фаолият натижаси” сифатида талқин этилиши юқорида таъкидланганидек, асар яратиш муаллифлик буюртмаси шартномасининг предмети ташкил этган тақдирда ҳам, ихтиро ва бошқа интеллектуал фаолият натижаси муайян аниқликка эга эмас. Масалан, бунда предмет сифатида ихтиронинг ажратилиб кўрсатилганлиги ва интеллектуал мулкнинг бошқа объектларига нисбатан унинг устун мавқега эгаллиги қонун чиқарувчи томонидан тушунарсиз ҳолатга йўл қўйилганлигини англатади.

Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш шартномасида буюртмачи муаллиф (ёки ижрочи)га шартномада келишилган ҳақни тўлаш мажбуриятининг мавжуд бўлиши амалга оширилаётган фаолият учун иккинчи томоннинг муқобил ижро қилишини англатади. Ҳ.Раҳмонқуловнинг фикрича, шартноманинг ҳақ эвазига тузилиши шуни англатадики, бир контрагент томонидан қилинган мулкий тақдим бошқа контрагент томонидан муқобил мулкий тақдимга мувофиқ бўлади⁹. Гарчи, интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан

⁸ Н.Ф.Имомов. Интеллектуал мулк ҳуқуқининг янги объектлари /Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О.Оқюлов. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2011. -215 бет. –Б. 167.

⁹ Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. -Тошкент: ТДЮИ, 2005. -245 б.



фойдаланиш тўғрисидаги шартномасида биринчи контрагент мулкый тақдим эмас, шахсий номулкый тақдим: интеллектуал фаолият натижасини берса-да, иккинчи контрагент (буюртмачи) бунинг учун мулкый тақдимни амалга ошириши ўз-ўзидан мазкур шартнома ҳақ эвазига тузиладиган шартномалар жумласига киришини билдиради.

Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартномаси тарафлар шартноманинг асосий шартлари хусусида келишувга эришган пайтларидан бошлаб тузилган деб ҳисобланиши учун ҳам консенсуал шартнома ҳисобланади.

Юқоридаги устозларимизни қарашларини ўрганиш асосида ФКнинг 1037-моддасидаги “Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги шартномани “Илмий-амалий-тадқиқот ишлари шартномаси” деб номлаш ва ушбу модда мазмунини қуйидаги тахрирда баён этиш мақсадга мувофиқдир:

- илмий-амалий-тадқиқот ишлари шартномасига мувофиқ, бир тараф ижрочи (ёки муаллиф) иккинчи тараф буюртмачининг топшириғига кўра, фан ва ишлаб чиқариш соҳасидаги илмий-амалий-тадқиқот ишлари натижаларини яратиш ва улардан фойдаланишга нисбатан мутлақ ҳуқуқларни буюртмачига бериш мажбуриятини олади.